

УДК: 338.2:004

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бойжигитов Санжарбек Комилжон ўғли
СамИСИ, Маркетинг кафедраси ассистенти

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари ёритиб берилган. Бундан ташқари рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш, соҳага янги инновацион ишланмаларни жалб этиш, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли бизнес, хизмат кўрсатиш, самарадорлик, моддий ресурслар.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ СЕРВИСНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Бойжигитов Санжарбек Комилжон ўғли
Ассистент кафедры Маркетинга, СамИЭС

Аннотация: В данной статье описывается понятие цифровой экономики, пути повышения эффективности сервисных предприятий в условиях цифровой экономики. Кроме того, в условиях цифровой экономики есть пути модернизации сервисных предприятий, привлечения в отрасль новых инноваций, повышения эффективности сервисных предприятий.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровой бизнес, сервис, эффективность, материальные ресурсы.

Кириш. Мамлакатимизнинг замонавий бозор муносабатларига ўтишдан асосий мақсад – бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият

шароитларини яратишдир. Шу сабабдан ҳам кейинги йиллар мобайнида, ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, республикада рақамли иқтисодий, чуқур демократик ва сиёсий ислохотлар воситасида янги жамиятнинг асослари яратилмоқда. Бу ишлар мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиб бориши белгилаб олинган.

Сўнги вақтларда “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси жуда кўп марта қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, кўплаб ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт уларнинг ривожланиш омилларига сезиларли даражада таъсир ўтказган. Жамият ҳаётида рақамли иқтисодиёт муҳим омилдир. Рақамли иқтисодиёт тушунча нисбатан узок бўлмаган вақтда, 1995-йили Massachusetts университетининг олими Nicolas Negroponte томонидан аниқлаб берилган. Олим ахборот-коммуникация технологияларини интенсив ривожланиши ортидан эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда, қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигини айтиб ўтган.

Адабиётлар шарҳи. Турли манбаларда турлича ёндашилган бу атамага. Ш.Соатованинг фикрига кўра [1] : Рақамли иқтисодиётга қуйидагича таъриф берган – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Ўрганишларимиз натижасида, рақамли иқтисодиёт [2] - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини анализ қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир.

Таҳлил ва натижалар. Асосан рақамли иқтисодиётни ривожланишининг асосий элементи сифатида электрон тижорат, интернет банкинг, электрон туловлар, интернет реклама ва шу билан бирга, интернет ўйинлари кўрилади.

Ахборот технологияларини ривожланиши ва тадбиқ қилиниши эвазига кундалик ҳаётимизда жуда кўплаб қулайликлар пайдо бўлмоқда. Рақамли технологиялар ривожланиши ортидан инсон, унга керакли хизматдан тезроқ фойдаланиши, интернет орқали ўзига керакли маҳсулотларни арзон сотиб олиш билан кўплаб пул маблағларини тежаши мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини бошқа афзалликлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришда меҳнат самардорлигини ошириши;
- компанияларнинг рақобатбардошлигини ўсиши;
- ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг камайиши;
- янги иш ўринлари яратилиниши;
- янги замонавий касблар пайдо бўлиши;
- камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгсизликни юқолиши.

Булар рақамли иқтисодиётнинг бир нечта афзалликлари ҳолос. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий таъсир қилади, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар беради ва қолаверса, бозорни ўсиши ва ривожланишини таъминлаб бериши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Рақамли иқтисодиётда корхоналар фаолиятини нолдан бошлаши шарт эмас. Бу иқтисодиётда янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали корхона самардорлигини ошириш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт корхона фаолияти самардорлигини сезиларли даражада оширади, корхона фаолиятида коррупцияни йўқотади. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди ва керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Рақамли иқтисодиёт шароитида барча соҳалар каби хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам анча ривожланиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси [3] — бу миллий иқтисодиётнинг хизматлар кўрсатишга тегишли ҳар хил тармоқлар йиғиндиси. У ижтимоий характерга

эга: ўз хизматларини аҳоли билан бир қаторда, юридик шахсларга ҳам таклиф қилади. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар – социал хизматлардир.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш - инсонларнинг инсонларга яхшилик, эзгулик билан манфаат келтириш ёълидаги ҳаракатидир.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти зарур моддий ресурслар билан таъминланганлигидан боғлиқдир. Уларнинг етарли миқдорда, яъни белгиланган норматив миқдорида бўлмоғи лозим. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти самарадорлигини оширишда моддий ресурсларни ташкил этиш ва уларни бошқариш алоҳида ўрин тутади.

Янги бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳар қандай корхона ўзининг асосий мақсадига эришиш учун моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада, фойдалилик даражасини оширишга эришадилар.

Хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланилаётган моддий ресурслар ҳар бир элементининг аҳамияти катта. Айрим ҳолларда моддий ресурсларнинг бирон бир элементи йўқлиги истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш имкониятини чеклаб қўяди, айрим ҳолларда эса корхона фаолиятининг умуман тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Қиёсий қарайдиган бўлсак, меҳнат предметлари электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса хизмат кўрсатиш доираси ҳам чекланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда хизмат кўрсатиш режасининг бажарилиши, хизматлар таннархининг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, уларнинг белгиланган ассортиментда ва сифатли моддий ресурслар билан таъминланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхоналар ўз фаолиятининг самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга ва таъминлашга алоҳида эътибор берадилар.

Моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда ва белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши, шу билан биргаликда, улардан

оқилона фойдаланиш пировардида корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этишига ҳар томонлама таъсир этади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, хизматлар таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалалрига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ошириш учун корхоналарни модернизациялаш, инновацияларни киритиш мақсадида корхоналарнинг техник-технологик, иқтисодий даражасини аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товар сифати ва рекламасига эътибор қаратиш лозим. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1. Хизмат (жумладан, сервис) иқтисодий фаолиятнинг муҳим бир шакли. У моддий ва номоддий кўринишга эга бўлиб, аҳоли ва юридик шахслар эҳтиёжларини (талаб чегарасида) қондиришга қаратилган фаолиятдир.

2. Хизмат иқтисодий категория сифатида инсонлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг моддий ҳамда номоддий тусдаги хизматларга бўлган эҳтиёжлари (талаби)ни қондиришда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

3. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш – муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

4. Хизмат кўрсатиш корхоналарида фойда хизмат кўрсатиш жараёнида янги қийматнинг яратилиш чоғида юзага келади. Яратилган янги қиймат тарихидаги қўшимча қиймат фойданинг асосий манбаи бўлади. Хизмат кўрсатиш жараёнида ҳосил бўлган фойда хизмат қилингандан сўнг олинган пул тушуми (даромад) билан харажатларнинг фарқи кўринишида бўлади.

5. Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш ўта зарур ҳисобланади:

- корхоналарнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш хажмини, комплекслилиги, сифатлилиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш (бунинг учун электрон платформа ташкил қилиш);
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг кўрсатилмаётган хизматлар хажмига ҳамда таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;
- фойдаланилмай қолган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар.

Хулоса. Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалар ва изланишлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган хизмат кўрсатувчи корхоналарда маркетинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш орқали кўзланган натижаларга эришиш бугунги кунда корхоналар олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Соатова Ш. / Рақамли иқтисодиёт ҳақида нималарни билиш керак? / (<https://sof.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-haqida-nimalarni-bilish-kerak> 01.27.2020)
2. Муаллиф ишланмаси.
3. Абдукаримов Б.А., ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Т.: “Фан ва технология” нашриёти. 2013 й. 367 б.

4. Абдукаримов Б.А.Ички савдо иқтисоди. -Т.: Фан ва технология, 2007 й.

5. Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С англ. Т. 2. – Таллин, 1993 й.

6. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. –Т.: Иқтисод-молия, 2011 й.